БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 113 (18.291). • Жума, 1982 йил 14 май • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЛЕКТОР КАДРЛАР — ЮКСАК МАЛАКАЛИ БЎЛСИН

13 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш КПСС XXVI съезди қарорлари асосида лектор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги ишларни такомиллаштиришга бағишланди. Кенгашда область партия комитетлари лекторлар группалари раҳбарлари, лекция пропаганда даси билан шуғулланаётган министрлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, «Билим» жамияти область правлениелари раислари ўринбосарлари иштирок этдилар.

Ўқув юртлари ва партия комитетлари ҳузуридаги лекторлик маҳорати мактаблари ва университетларида малакали лектор кадрлар тайёрлаш тажрибаси ўртоқлашилди. Кенгашда партия XXVI съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат касаба союзлари XVII съездида сўзлаган нутқида баён этилган қоидаларни, унинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларидаги кўрсатмалари ва тавсияларини пропаганда қилишни янада кенгайтириш тадбирлари белгиланди. (ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ Т-5» ПАРВОЗДА

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1982 йил 13 май куни Москва вақти билан соат 13 дан 58 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-5» космик кемаси учирилди. Кемани кема командири подполковник Анатолий Николаевич Березовой ва борт-инженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Валентин Витальевич Лебедевлардан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программасида «Союз Т-5» кемасини 1982 йил 19 апрель куни Ер атрофи орбитасига чиқарилган «Салют-7» станцияси билан туташтириш кўзда тутилган. Экипаж орбитал станция ичида илмий-техник тадқиқотлар ва эксперименталр комплексини бажариши лозим.

«Союз Т-5» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Космонавтлар Березовой ва Лебедев ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Союз Т-5» кемаси командири А. Н. БЕРЕЗОВОЙ.

Анатолий Николаевич БЕРЕЗОВОЙ

Анатолий Николаевич Березовой 1942 йил 11 апрелда Адигей автоном областининг Октябрь районидаги Энем поселкасида туғилди.

Урта мактабни тамомлагач, А. Н. Березовой Ростов областининг Новочеркасс шаҳридаги «Нефтемаш» заводида токарь бўлиб ишлади.

1965 йилда Анатолий Николаевич Качинск учувчилар олий ҳарбий билим юртини битириб чиқди. Сўнгра Совет Армиясининг авиация қисмларида хизмат қилди. Хизмат даврида у самолётларнинг бир неча типини ўзлаштирди. «Биринчи класс ҳарбий учувчи» малакасига эга.

А. Н. Березовой — 1966 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Анатолий Николаевич космонавтлар отрядига 1970 йилда қабул қилинди. «Союз» кемаларида ва «Салют» орбитал станцияларида космосга учишга тайёргарлик кўришнинг тўла курсини ўтди.

1977 йилда А. Н. Березовой асосий ишидан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номидаги Ҳарбий ҳаво академиясини тамомлади.

«Союз Т-5» кемаси борт инженери В. В. ЛЕБЕДЕВ.

Валентин Витальевич ЛЕБЕДЕВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Валентин Витальевич Лебедев 1942 йил 14 апрелда Москвада туғилди.

1966 йилда Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтини тамомлагандан кейин у конструкторлик бюросида ишлади. Валентин Витальевич космик аппаратларнинг янги системаларини ишлаб чиқишда ва синаб кўришда актив қатнашди, ўзининг истеъдодли ва ташаббускор мутахассис эканини кўрсатди.

1974 йилда у техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

В. В. Лебедев — 1971 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аъзоси.

Валентин Витальевич 1972 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинди.

В. В. Лебедев биринчи марта 1973 йил декабрида «Союз-13» кемасининг борт-инженери сифатида космосга учган эди.

СССР — АДР: ҚАРДОШЛИГИМИЗНИНГ ЁРҚИН ТАНТАНАСИ

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ УЛУҒ ЙЎЛБОШЧИСИГА

Термизда В. И. Ленин ҳайкалининг тантанали очилиши

ТЕРМИЗ, 13 май. (ЎзТАГ махсус мухбирлари). Бугун бу ерда шаҳар марказидаги кенг, кўркам майдонда Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали вазиятда очилди. Шу воқеага бағишлаб ўтказилган кўп кишилик митингда Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикасининг Термизга келган партия-ҳукумат делегациялари иштирок этди.

Қизил лента қирқилади. Ҳозир бўлган кишиларнинг кўз ўнгида гранит супага ўрнатилган улуғвор бронза ҳайкал намоён бўлади. Революция йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлати асосчисининг ҳайкалини ҳайкалтарош В. Аксёнов билан архитектор Л. Адамов яратган, уни ленинградлик усталар қуйиб, Термиз бинокорлари ўрнатишди.

Митингда АДР ва СССР партия-ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари — Баббрак Кармал билан Ш. Р. Рашидов нутқ сўзладилар. Улар таъкидлаб ўтишганидек, В. И. Ленин ҳайкалининг очилиши гениал мутафаккир, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ва устози, дунёда биринчи кўп миллатли социалистик давлат бунёдкорига умумхалқ меҳр-муҳаббати ва унинг ўлмас ишига садоқати белгисидир. Совет мамлакати, бутун тараққийпарвар инсоният ана шу кўп миллатли социалистик давлатнинг шонли 60 йиллигини тантанали кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ҳайкал Термизда—СССР билан Афғонистон чегараси якинида ўрнатилганлигининг чуқур, маркли рамзий маъноси бор. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликка доҳий Ленин асос солганлигини, Советлар мамлакати ўзи бунёдга келган дастлабки кунлардан бошлаб мазлум халқларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги интилишларини Ленин ташаббуси билан қўллаб-қувватлаб келаётганлигини афғон халқи ҳеч қачон унутмайди. Амударё устида қурилиб кеча фойдаланишга топширилган кенг ва мустаҳкам кўприк ҳам халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб ишга хизмат қилади, ана шу олижаноб ишга Ленин Улуг Октябрь тонгидаёқ пойдевор қўйган эди. Бу кўприк ҳамиша дўстлигимизнинг, қардошлигимиз ва бирлигимизнинг далили бўлиб қолади.

Нутқларда ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун улуғ Ленин партиясига, Совет Иттифоқи ҳукуматига, содиқ леничи, замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби ўртоқ Л. И. Брежневга астойдил ташаккур ҳамда миннатдорчилик сўзлари янгради. Ленин васиятларига оғишмай амал қилиш совет мамлакати халқлари ва бутун инсониятнинг бахтиёр, порлоқ, тинч келажаги гаровидир.

Барча мазлум халқларнинг озод бўлишини орзу қилган жаҳон пролетариати йўлбошчиси В. И. Ленининг ана шу улуғвор ҳайкали олдида биз яна шуни қатъий қилиб айта оламизки, шимолдаги улуғ қўшнимиз бизга узатган дўстлик қўли афғон халқи порлоқ келажак учун олиб бораётган курашда унинг ишончли таянчидир, деди Б. Кармал. Совет—афғон дўстлиги мустаҳкамдир. Бу дўстлик Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишда, янги ҳаёт барпо этишда тобора янгидан янги муваффақиятларга эришувимизнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

КПСС XXVI съезадининг делегати, Жарқўрғон районидаги «Социализм» совхозининг бригадири Ҳавохон Абдуллаева минбарга чиқади. Сурхондарё диёрига қутлуғ байрам келди, дейди у, бугун Владимир Ильич Ленинга очилган ҳайкал область ишчилари ва деҳқонларига, барча меҳнаткашларига, Амударёнинг нариги томонидаги афғон қардошларимизга абадий нур сочиб туради, у бизни совет халқининг фаровонлигини ўстириш, мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги меҳнатда янгидан янги муваффақиятларга илҳомлантираверади. Донгдор пахтакор ўз бригадаси СССРнинг 60 йиллига нишонланадиган йилда Батанни гектар бошига 60 центнердан биринчи сорт пахта ҳосили кўтариш билан хушнуд этажагини айтди.

Митинг тугади. Термиз гарнизонининг жангчилари бир текис саф тортиб тантаналй марш билан майдондан шаҳдам қадам ташлаб ўтадилар. Ш. Р. Рашидов билан Баббрак Кармал ўртоқлар икки дўст мамлакат делегациялари номидан В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Термизда В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал.

ЎзТАГ телефотоси.

Сурхондарё меҳмонларни табриклямоқда

ТЕРМИЗ, 13 май (ЎзТАГ махсус мухбирлари). Дўст Афғонистондан келган меҳмонлар Сурхон водийсини гуллаб яшнаётган меҳмондўст ўлка, тинч, илҳомбахш меҳнат сурури билан яшаётган диёр деб атадилар. Амударё устида қурилган автомобиль-темир йўл кўприми фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этган АДР партия-ҳукумат делегацияси бугун Сурхондарё области бўйлаб сафар қилди.

Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида азиз меҳмонларни нонтуз, гуллар, карнай ва сурнайларнинг шўх садолари билан кутиб олдилар. Афғонистон делегациясининг бошлиғи АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Баббрак Кармал, Афғонистондан келган бошқа меҳмонлар деҳқонларнинг турмуши, колхоз ишлаб чиқариши билан танишдилар.

Улар колхоз мактабида бўлдилар, бош план асосида қурилган янги посёлкани кўздан кечирдилар. Ўртоқ Б. Кармал колхозчи Мустан Мергановнинг барча қулайликлари, томорқа участкаси бўлган икки қаватли типовой уйида бўлди. У Мергановларнинг кўп болали оиласига, колхознинг барча меҳнатчиларига бахт-саодат ва омон-эсонлик, жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муваффақиятлар тилади.

Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги — Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида ҳам самимий узрашув бўлиб ўтди. Кўпгина ингичка толали навлар шу ердан далаларга «йўлланма» олган. Афғон меҳмонлар совхоз ишчиларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари билан, бу областдаги маъмурият, партия ва жамоат ташкилотларининг фаолияти билан қизиқдилар. Улар «Сурхон» совхозининг марказий қўрғонида барпо этилган янги болалар шаҳарчасида бўлдилар.

Меҳмонлар ўтиб борган йўлларда уларни Сурхондарё шаҳарлари ва қишлоқларининг минглаб аҳолиси самимий кутиб олди.

Область бўйлаб сафарда Афғонистондан келган меҳмонларга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари ҳамроҳ бўлдилар.

АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ТЕРМИЗ, 13 май. (ЎзТАГ махсус мухбирлари). Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Баббрак Кармал бошчилигидаги Афғонистон Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси бугун ватанига жўнаб кетди. Дўст мамлакат меҳмонлари шонли воқеа — Амударё устида қурилган автомобиль-темир йўл кўприми фойдаланишга топширилиши муносабати билан бу ерга келишган эди.

АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Советининг Раиси Султонали Кештманд, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Давлат ахборот хизматининг раҳбари Нажибулло, АХДП Марказий Комитетининг сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, АХДП Марказий Комитетининг секретари Маҳмуд Барялай, АХДП Марказий Комитетининг секретари Ниёз Муҳаммад Моманд, АДР Революцион Кенгаши Президиумининг секретари Муҳаммад Анвар Фарзом, Афғонистоннинг бошқа расмий кишилари, шунингдек СССРнинг АДРдаги элчиси Ф. А. Табеев Б. Кармал билан бирга Кобулга жўнаб кетдилар.

Баббрак Кармални, Афғонистон делегациясининг бошқа аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, СССР транспорт қурилиши министри И. Д. Соснов, СССР ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Л. Н. Мелкумов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси Н. Т. Туропов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида АДРнинг СССРдаги элчиси Ҳабиб Мангал бор эди.

Термиз аэропортида АДР, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилган эди. Термиз ва Сурхондарё области жамоатчилигининг кўплан-кўп намояндалари афғонистонлик меҳмонларни кузатиб қўймоқ учун бу ерга келдилар.

ИРЛАНДИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Совет коммунистлари номидан Ирландия Коммунистик партиясининг XVIII съезди делегатларига, ирландиялик барча коммунистларга самимий қардошлик саломи йўллайди ҳамда съезднинг ишида муваффақият тилайди.

Ирландия Компартияси ўз мамлакати ишчилар синфи, меҳнаткашларининг туб манфаатларини ифодалаб, уларнинг меҳнат қилиш, муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи учун, ўз халқининг яхшироқ келажаги учун қаттиқ туриб фидокорона курашмоқда. У НАТО ва кўп миллатли монополияларнинг ҳамлаларига қарши, Ирландиянинг ҳақиқий бетарафлиги учун курашиб, республика суверенитетини қатъият билан ҳимоя қилмоқда, Шимолий Ирландия танглигининг демократик асосда одилона ҳал этилишига, ирланд халқининг миллий орзу-умидлари рўёбга чиқарилишига ҳаракат қилмоқда.

Совет коммунистлари Ирландия Компартиясининг изчил интернационализмини, унинг социализм, марксизм-ленинизм идеалларига садоқатини юксак қадрлайдилар.

Партиянгизнинг съезди АҚШ бошчилигидаги империализм агрессив доираларининг хатарли милитаристик йўли оқибатида халқаро вазият жуда кескинлашган шароитда ўтмоқда. Ҳар бир мамлакатда ва халқаро майдонда урушга қарши бўлган барча демократ кучларнинг жаҳон ядро уруши хавфи кучайишига қарши, қуролланиш пойгаси сиёсатига қарши, Хельсинки кенгаши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюциялари руҳида халқаро кескинликни юмшатиш учун курашдаги ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги ва актив ҳаракатлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Азиз ўртоқлар, ўз ватанингизнинг, бутун ирланд халқининг бахт-саодати учун, империализмга ва уруш хавфига қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин қардош Ирландия Коммунистик партияси!

КПСС билан ИКП ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланаверсин, иккала мамлакатимиз ва иккала халқимиз ўртасидаги самарали алоқалар кенгаяверсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Афғонистонлик меҳмонлар шарафига

ТЕРМИЗ, 13 май. (ЎзТАГ махсус мухбирлари). Бугун СССР партия-ҳукумат делегацияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР ҳукумати Афғонистон Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси шарафига ва Амударё устида қурилган кўприк фойдаланишга топширилганлиги муносабати билан қабул-маросими уюштирди.

Қабул вақтида делегацияларнинг раҳбарлари—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ва АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал дўстона қадаҳ кўтардилар.

Зиёфат самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА ЮКСАК УНУМДОРЛИК БЎЛСИН!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАР ЖОЁДИ
1982 ЙИЛ • МАЙ • № 5 (98)

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

ЭНГ КАТТА РЕЗЕРВ

Экономикани тараққий эттиришнинг кўпдан-кўп имконият ва резервлари бор. Улар орасида энг каттаси ва ҳал қилувчиси меҳнат унумдорлигини оширишдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш ишчи ва мутахассислардан катта маҳорат, омилкорлик, меҳнатга коммунистик муносабатни талаб қилади. Партия XXVI съездида ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашда меҳнат унумдорлигини мутасил ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги ҳам бежиз эмас.

Илғор коллективлар экономикани ривожлантиришнинг ана шу муҳим талабига — меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириб боришга катта эътибор бериб, план ҳамда мажбуриятларнинг зиёда адо этилишига муваффақ бўлмоқдалар. Республика саноатн ходимлари СССР 60 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажара бориб, 1982 йил маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини 102,1 процент адо этдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг январь-апрель ойларига қараганда 3,8 процент, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати 1,6 процент ортди. Техника тараққиёти суръатларини белгилаб берувчи тармоқларда меҳнат унумдорлигини юксалтириб бориш эвазига энг юқори натижаларга эришилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Беш йиллик иккинчи йилнинг ўтган ойлари мобайнида саноат корхоналари, бинокорлик коллективлари баланд руҳ билан меҳнат қилдилар. Қатор корхоналар қолоқликдан чиқиб олдилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш талабларига қатъий риоя қилган коллективлар планларнигина эмас, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар.

ИЛҒОРЛАР орасида Тошкент лак-бўёқ заводи, Самарқанд химия, Тошкент компрессор заводлари, Ғозғон карьер бошқармаси, Янгийўл мебель фабрикаси, Андижон пойабзал фабрикаси каби корхоналар бор. Бу коллективлар машина-ускуналардан нечоғлик омилкорлик билан фойдаланиш, илғор тажрибаларга, прогрессив технологияга, тежамкорликка амал қилиш, иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли маҳсулот тайёрлаш ҳажми, уни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш тўпширикларини ортиғи билан адо этдилар.

ҚОЛОҚЛАР ҳам йўқ эмас. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Гулистон ёғ-экстракция заводи, «Балиқчи» экспериментал бирлашмаси, Тўйтепа металл конструкциллари заводи каби корхоналар мажбуриятлар у ёқда турсин, тўрт ойлик планни ҳам бажармадилар. Январь-апрель ойлари маҳсулот реализация қилиш планини республика бўйича 32 корхона бажармади. Оқибатда 24,2 миллион сўмлик маҳсулот ҳам реализация қилинди.

Кўрининб турибдики, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан мукаммал фойдаланмаган, қўшимча резервларни ҳаракатга келтириш чора-тадбирларини кўрмаган коллективлар белгиланган марраларни эгаллашда қолоқликка йўл қўймоқдалар. Қўл меҳнатини механизациялаш, ускуналарни тўла қувват билан ишлатиш, кам меҳнат ва харажат сарф қилиб, кўплаб маҳсулот тайёрлаш, илғор тажрибаларга кенг амал қилиш, иш вақтининг ҳар дақиқасини қадрлаш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим ва ҳал қилувчи резервларидир. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг ўзи энг катта резервдирки, бу кўрсаткични мутласил яхшилаб бориш учун катта ташкилотчилик ва техникавий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари хўжалик органлари билан биргаликда меҳнат унумдорлигини ошириш резервларидан тўла-тўкис фойдаланиш тадбирларини кўришлари керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида: «Республикада саноатни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари чакки эмас: маҳсулотни кўпайтириш суръатлари жиҳатидан ҳам, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам план бажарилмоқда. Аммо яқинроқ қаралса, бу соҳада ҳам катта резервлар бор, ҳали жиддий нуқсонлар бор», деб таъкидлади. Партия ва давлатимиз раҳбарининг доно маслаҳатлари, берган оқилона йўл-йўриқлари республикамиз меҳнаткашларини ишлаб чиқаришда юксак марраларни эгаллашга, юз берган камчиликларни бартараф қилишга сафарбар этмоқда. Саноат корхоналарининг ишчи ва мутахассислари ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш даражасини ошириш, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш йўли билан меҳнат унумдорлигини жадал кўтариш тадбирларини кўрмоқдалар.

Москвалик ишчиларнинг СССР 60 йиллигини ҳар бир иш жойида юксак меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлаш ҳақидаги даъвати Ўзбекистон саноатчилари ва бинокорларининг қалбидан чуқур жой олди. Республикамиз ишчи коллективлари партия XXVI съезди қарорларига, москвалик ҳамкасбларининг даъватига амалий иш билан жавоб бериш учун мусобақани авж олдириб, меҳнат унумдорлигини оширишнинг барча резервларини ҳаракатга келтириш чора-тадбирларини кўраверадилар.

Меҳнат унумдорлиги янги ижтимоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир.

Ю. Андропов

ШАРОФАТЛИ УСУЛ

«Ўзбекгазстрой» республика бинокорлик-монтаж трестига қарашли Полтораклаги ўн икки аъзодан ҳар бири қарийб юз минг сўмликдан иш адо этиши керак.

Бригада меҳнатсеварлари ваъдага яраша тез тўкмоқдалар. Масалан, ўтган йили улар мажбуриятда кўзда тутилганидан 9 минг сўмлик кўп иш бажаришди. 1982 йил тўрт ойи топшириқлари ҳам анча ортиғи билан адо этилди. Хўш, қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг сири нимада?

Аввало, бригада комплекс тузилган. Унда пармаловчилар, слесарлар, ҳайдовчилар, газ-электр пайвандчилар ва бошқа касб эгалари бор. Иккинчидан, мазкур коллектив меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини муваффақиятли қўлланмоқда. Шу туфайли бригада аъзолари газ қувурларини емирилишдан сақлаш учун электр химил муҳофаза воситаларини қуришда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

Ғ. РАЗЗОҚОВ, ишчи.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Сиз ушбу суратда кўриб турганингиз Оқилжон Шарифбоев бўлади. У —Ю. А. Гагарин номидаги «Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бош корхонанинг 2-механика цехида фрезерчи. Коммунистик меҳнат зарбдори. Касбдошлари уни илғор ишчи сифатида ҳурмат қилишлари билан бирга, изланувчанлиги ва ташаббускорлигини ҳам ардоқлайдилар. Яқинда Оқилжон Шарифбоев билан у меҳнат қилаётган цехда учрашдик. Суҳбат давомида моҳир фрезерчининг ишчилар синфига мансублиқдан фахрланадиган, ўз корхонаси шуҳрати учун қайғурадиган киши эканлиги яққол сезилди.

— Корхонамизда, — деди у ғурур билан, — ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, айниқса, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга катта аҳамият бериляпти. Бу ишга мен баҳолиқудрат ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиляпман.

ШОГИРД УСТОЗ ҲАҚИДА

ФИДОЙИ

Ҳусанжон икки кундан кейин ўзига келди. Кўзини очиб қараса, касалхонада ётипти. Ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо туролмади. Шу пайт икки кун илгари цехда рўй берган воқеа кўз олдига келди-ю, қаттиқ инграб ҳушидан кетди.

... Карим ака Тошмуҳамедов камтар, хушмуомала киши. Ўз касбини жондан севадиган бу ишчини заводдагилар ҳурмат қилишарди. У ёшларга меҳрибон мураббий. Вазифаси оғир бўлишига қарамай бир йўла ўнлаб шогирдларга касб ўргатарди. Шогирдларини фарзандидай кўрар, уларнинг ҳар бири билан феъли-атвори, қобилиятига қараб муомала қиларди.

Кутилмаганда цехда фалокат юз берди. Ҳусанжон устоз кўзини шамғалат қилиб, дастгоҳ тасмасига оёқ тираб, уни тўхтатмоқчи бўлди. Ёшлик ғурури билан қилинган бу ножўя ҳаракат кўнгилсиз оқибатларга олиб келди. У ўнг оёғидан айрилган эди.

... Ҳусанжон касалхонада ётар экан, ўз тақдири, қаноатланмаган орзулари ҳақида ўйларди. Наҳотки корхона даргоҳига қадам қўйганига уч ой тўлмасдан туриб, ишга яроқсиз бўлиб қолса? Ахир у ишчи бўлишни, ишчи бўлганда ҳам номдор, донгдор ишчи бўлишни орзу қиларди-ку!?

— Аҳволинг қалай, полвон! — таниш овоздан унинг ҳаёли бўлинди. Кўзини очиб қараса, каравоти ёнида устози Карим ака жилмайиб турарди. Чиндан ҳам Ҳусанжон цехда полвонларча иш қиларди. Чунончи, қайчида каучук қирқиш, уларни майдалаш, омбордан хом ашё келтириш, дастгоҳ барабанларини алмаштириш унинг зиммасида эди.

Карим ака шогирдини оталик меҳри билан силади. Илиқ гаплар билан далда берди. Ҳусанжон бошини ёстиқдан бир оз кўтариб:

— Мени кечиринг, ҳаммасига ўзим айбдор,—деди оғир хўрсиниб.

— Энди булар ҳақида ўйламай қўяқол, — деди Карим ака. — Узингни қўлга ол. Руҳингни туширма.

Ҳусанжон касалхонадан чиққан куннинг эртасига ёғоч оёғини дўққилатиб заводга келди-да, директорга эски жойида ишлаш ҳақидаги мақсадини айтди.

— Вальцовка станоги энди сенга оғирлик қилади. Ўзингга яраша иш топиб бераман, — деди директор. Ҳусанжон эса айтган сўзида туриб олди.

Бошлиқ кўрдики, Ҳусанжоннинг қарори қатъий, сиғиш шарти билан дастгоҳда ишлашга рухсат берди.

Шу воқеага ҳам салкам 10 йил бўлди. Яқинда Тошкент резина-техника заводида бўлдик. Корхона дарвозасидан ичкари киришингиз билан илғор ишчиларнинг расми қўйилган «Ҳурмат тахтасига дуч келасиз. Унга ҳавас билан тикилиб турган йигитдан сўрадик:

— Буларни танисангиз керак?

— Ҳа, танийман. Бунисн Лола опам, ўртасидаги Ҳусан акам...

— Носировми?

— Ҳа, Носиров. У киши устозим бўладилар, — дея ўзини таништирди илғор вальцовкачи Еқуб Усмонов. — Унинг ҳаёт йўли биз учун катта мактаб. Фақат ҳунаргина эмас, одамийликни, ҳалоллиқни, чидам ва сабр-тоқатни ўргандик. Устознинг бир оёқлари йўқ. Лекин ирода кучини кўрингки, у киши қариб 40 йилдан бери ўзлари севган касбни давом эттириб келмоқдалар. Ўн йилдирки, бригадага етакчи.

Халқимизда «Иш қувган ҳазинага йўлиқади», деган мақол бор. Ҳусан аканинг меҳнати изсиз қолмади. У Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари ҳамда медаллар билан тақдирланди.

Рустам БАҲРОМОВ, Тошкент резина-техника заводи вальцовкачиси.

БРИГАДА УСУЛИ—АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бизнинг бригадамиз меҳнат унумдорлигини юксалтиришнинг муҳим омили деб ҳақли равишда тан олинаётган хўжалик ҳисоби бўйича ишлаб, катта самарага эришди. Учинчи беш йиллиқда икки беш йиллик иш уддаланди. 1981 йилда 110 минг сўмлик ўрнига 228 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Бу, 1980 йилдагига нисбатан 8,4 процент кўп. Злобин методи билан ишлаган бригада коллективи бир йилда Андижон райони маркази — Қўйганёрда битта ўн олти квартирали уй-жой биносини, иккита кооператив уйни қуриб битказди. Қурилиш муддати учала уй бўйича шартномада белгиланганидан 101 кун қисқартирилди.

Шартномага мувофиқ бригада коллективи одатдаги ишбай усулида иш ҳақи олиб турди. Уйлар батамом қуриб, фойдаланишга топширилгандан сўнг, ҳисоб-китоб қилинди, ишчилар моддий рағбатлантирилди. Мукофотлар миқдори давлат комиссиясининг берган баҳосига қараб белгиланди. Учала уй ҳам «яхши» баҳо билан қабул қилинди. Коллективга мукофот тариқасида 2617 сўм пул берилди.

Қурилиш таннархининг арзонлаштирилиши ва объектнинг яхши баҳо билан ишга туширилиши учун тўланган мукофот фақат қурувчиларгагина эмас, сантехниклар, электриклар, кран машинистлари, қурилишда ёрдамчи пудратчи сифатида қатнашганларнинг ҳаммасига ҳам берилди.

Бригадамизда жами 12 киши ишлайди. Ҳар бир ишчининг ойлик ўртача иш ҳақи 210 сўмга тўғри келмоқда. Бу, бригада пудратининг самарасидир. Бригада коллективи ҳозир Қўйганёр посёлкасида «Бахт» кооперативи аъзолари учун уй-жой қуряпти.

Коммунист Эркин Тўлашев бошлиқ бригада коллективи ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини сабот билан излаяпти. Улар Злобин усулини танлаб, шу асосда ўтган беш йилликда 525 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 57 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бригада коллективи 1981 йилда Андижон ип газлама комбинатининг Пахтаобод филиали қурилишида ташаббус кўрсатиб, 362 минг сўмлик иш бажарди. Бригаданинг Алишер Ҳусанов, Муҳаммад Сулаймонов, Маматраҳим Солиев каби қурувчилари уч-тўрт хил касби эгаллаб, бир кунда икки кунлик ишни уддаламоқдалар. Шу кунларда бригада коллективи филиалнинг иккинчи навбатини муддатидан олдин ишга тушириш учун курашмоқда.

Бўз район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасидан Абдурашид Мажидов, Ленин районидан Ғуломжон Ортиқов, Избоскан районидан Мадаминжон Кабиров, Хўжаободдан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Йўлдош Абдураҳимов, Марҳаматдан Александр Прокаев, Қўрғонтепадан Комилжон Қамбаров бошлиқ комплекс бригадалар хўжалик ҳисоби тажрибасини амалга ошира бориб графикдан анча ўзиб кетишди.

Ҳа, тажриба қуйи коллективларда меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резервларидан бири — ишни бригада пудрати усулида ташкил этиш эканлигини узил-кесил кўрсатди. Иқтисодчиларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, қилинган ҳар бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж иши 12 кишининг меҳнатини тежаш имконини берар экан. Шунинг учун ҳам биз қишлоқ қурилиш майдонларида бу илғор методи яна ҳам кенг қўлланишга эътиборни кучайтирдик.

Ҳозирги вақтда «Облколхозстрой» системасида 103 та комплекс бригада Злобин методи билан ишлаяпти. Бу бригадаларга 1639 киши ўқишган бўлиб, улар чорвачилик фермаларини, озуқа цехларини, сабзавот сақланадиган омборларни, устахоналарни, уй-жой ва жамоат биноларини қуриб бермоқдалар.

Ўтган йилнинг натижалари меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системаси яхши самара бераётганлигини кўрсатди. Злобин методи билан ишлаган бригадаларда меҳнат унумдорлиги одатдаги бригадалардагига нисбатан 13—17 процент ортди. Оддий бригаданинг ҳар бир ишчиси ўтган йил давомида 12 минг сўмлик, злобинчи бригаданинг ҳар бир ишчиси эса 14114 сўмлик иш бажарди. Умуман, 103 та злобинчи бригада бир йилда 201 та турли биноларни қуриб берди. Объектларнинг ҳаммаси муддатидан олдин ва сифатли қилиб қурилди. Қурилиш ишлари таннархи 146 минг сўмга арзонлаштирилди. Бу қурилишларда 93 тонна металл, 459 тонна цемент, 702 кубометр ёғоч-тахта тежалди. Меҳнатнинг сарфланиши эса нормативдагидан 3238 киши-кунига камайтирилди. Злобинчи бригадалар 1982 йилни ҳам яхши бошладилар. Биринчи кварталда 5 миллион 125 минг сўмлик иш қилинди. Бу, трестимиз коллективи ўз кучи билан бажарган умумий ишнинг 69,1 процентини ташкил этди. Апрель ойи плани ҳам ортиғи билан бажарилди.

Бригада пудратининг самараси кўзга кўринишн учун ҳамма нарса етарли бўлиши шарт. Бригада объектни шартномада белгилаб кўйилган муддатда битказиб топшириш мажбуриятини олади. Лекин маъмурият шартномани ўз вақтида бажармаса, қурилиш материаллари ва конструкцияларни ўз вақтида етказиб бермаса, зарур механизмлар ва транспортни бригада ихтиёрига бериб қўймаса, бутун коллективнинг сарфлаган куч ва ғайрати бекуда бўлиб қолаверади. Шу сабабли биз Злобин методини жорий қилиш учун бел боғлаган ҳар бир бригадага иложи борича шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

СССР ташкил топган кунинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилган трестимиз коллективи Андижон, Ленин, Хўжаобод районларида ҳар бири йилига 2—3 миллион бош бройлер етиштирадиган паррандачилик комплекслари, Жалолқудуқ районида 200 мингта она товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикаси қурмоқда. Избоскан, Балиқчи, Москва, Қўрғонтепа районларида эса чорва комплекслари қуряпмиз. Трестимиз коллективи биринчи квартал планини 106,1 процент бажарди. Кейинги тўрт ой ичида 12 минг квадрат метр уй-жой, 280 ўринли богча, 320 ўринли мактаб қуриб берди.

Қурувчиларимиз хутор системасини тугатиш ва замонавий посёлкалар барпо этиш соҳасида анча иш қилдилар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли трестимиз коллективи областдаги мингта хутор ўрнида 303 та обод посёлка яратиш тадбирларини ишлаб чиқди. Областда 109 та уй-жой кооперативи тузилди. Ўтган йили 300 та, 1982 йилнинг тўрт ойида эса 65 та кооператив уй қурилиб фойдаланишга топширилди.

Буларнинг ҳаммаси кишини беҳад қувонтиради. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси ўсганлиги, қурилишлар йирма темир-бетон конструкциялар билан кенг таъминланганлиги, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилганлиги туфайли ана шундай натижаларга эришилди, унумдорлик анча ошди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида қурувчилар олдига катта вазифалар қўйди. Биз бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олдик. Злобинчи бригадалар сонини янада кўлайтиришга аҳд қилдик. Ўз кучимиз билан қилинадиган ишларнинг камида 75—80 процентини Злобин усули билан бажаришга азму қарор қилдик. Трестимизда бунинг учун имконият бор. Ленин, Марҳамат, Андижон районларида қурилиш-монтаж ишларининг 70—71 процентини злобинчилар бажараётганлиги фикримизнинг исботидир.

Ҳозир ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажариш ва СССРнинг 60 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олиш учун қурувчиларимиз ўртасида социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

Валижон ХОЛДОРОВ, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон «Облколхозстрой» трести бинокорлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ХИМИКЛАР ВАХТАДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзлари XVII съездида сўзлаган нуткида тўпланган қимматли тажрибалар ҳақида гапириб, «бу ўринда мен.. меҳнат унумдорлигини оширишга.. қаратилган ижодий ташаббусларни ва янги-янги ишларни назарда тутяпман», деган эди.

Азиз Леонид Ильичнинг ана шу даъваткор сўзларини қалбларига жо қилган корхонамиз коллективи олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш цехини белгиланган муддатидан етти кун олдин капитал ремонтдан чиқардилар. Бу, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини каскин ошириб, йилига бир неча минг тоннадан зиёд аммофос тайёрлаш имконини беради.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонамизнинг мураккаб технологик линияларида олиб борилган ремонт ишлари мамлакатимиздаги турдош корхоналар ичида илк бор амалга оширилди. Бунда бизга Москва области мутахассислари, Чирчиқ ва Олмалиқ монтажчилари ёрдамга келишди.

Азиз Ватанимизнинг катта байрами, совет халклари дўстлигининг ёркин рамзи — СССРнинг 60 йиллигини меҳнатда муносиб ютуклар билан кутиб олиш шаҳримиз химикларининг айни муддаосидир.

Ф. АШУРОВ, Самарқанд химия заводи ремонтчилар бригадаси пайвандчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ЧОРТОҚ АТЛАСИ

Уйчи ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари орасида Чортоқдаги атлас цехи коллективи пешкадамлик қиляпти. Коллектив бугунгача пландаги 32 минг ўрнига салкам 34 минг метр атлас ишлаб чиқарди.

Юбилей йилининг ҳар бир кунини юксак меҳнат унумдорлиги билан якунлашга аҳд қилган Чорток тўқувчилари кунлик нормаларини мунтазам 150-160 процент адо этмоқдалар. Цех меҳнат аҳли йиллик топшириқларини декабрь ойига қадар бажаришга аҳд қилишган.

М. АБДУРАҲМОНОВА, цех тўқувчиси, социалистик мусобақа ғолиби.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

«...ҒЎРАДАН ҲОЛВА»

Кичик фельетон

10-механизациялашган ишлар бошкармаси коллективи бунёд этган лоток суғориш иншоотлари қурилиши шароитидан:

— Асли омадсиз эканман. Омадим бўлса, Қарши чўлидек кенг биёбонда қад ростлаган не-не лоток суғориш иншоотлари қурилиши сиғиларн ини-жимида битиб, тиниб-тинчиб кетмасмидим. Аввалига «ана битдим, мана битдим» деб саратонни қаҳратонга, қаҳратонни саратонга улаб, узун ичкдек чўзилиб, дам юришиб, дам узилиб ётдим. Энди битдим деганимда, бирдан комиссия келиб, таппа босса бўладими?! Сир очилди-қолди. Бир жойимни брак қилиб, бир жойимни чала топди. Бўйнимга ошиқча сарф-харажат деб 6.5 минг сўмни ёпди.

11-механизациялашган ишлар бошқармасининг штатдан ташқари 11 нафар ходими арз-додидан:

— Ия, бу қанақаси? Исонинг аламини Мусодан олишми? Биз бечораларда нима айб? Иш сўрадик, «бор» деди. Ишладик, ҳақимизни олдик-да! Ишламаслан маош олганимизда бошқа гап эди. Тағин озмунчамас — 12 минг сўм эмиш-а! Нима бўлгандаям биз айбдор эмас. Айб — штатн бор-йўқлигидан бехабар бизни ишга олиб, ишга солган раҳбарларда...

23-механизациялашган кўчма колонна коллективи бажарган айрим лойиҳа-план ишлари ҳасратидан:

— Қаддимизни тик қилиб, ҳуснимизга кўрк-тароват беришга қурби-қудрати етадиган азаматлар бор. Бизмиз. Лекин, айни пайтда тақдиримизга ушоб, оёғимизга тушоб бўлиб турганлар ҳам бор. Бўлмаса, колонна раҳбарларини тайёр лойиҳа талабларидан четга чиқиб, моддий-молиявий ресурслар харажатида жиддий бузилишларга йўл қўйишга нима мажбур этди?

«Каршистрой» бошқармасига қарашли «Дренажстрой» трести бошқарувчиси В. Степаненкониг уч ҳасратга бир жавоби:

— Вой-бўй, намунча ҳовлиқмасаларинг. «Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва битур» деган нақл бор, эшитганмисиз? Ношукурлик қилманг, бир кунмас-бир кун ҳаммаси ўрнига тушиб кетиб, икки ўртада «пўм» чиқиб юрмайлик. Эшитдик, назоратчиларга ҳам чақиб улгурибсиз. Учала ташкилотнинг раҳбарлари — В. Тадеев, А. Эшонқулов, М. Темиров, қолаверса, мен сизларга нима ёмонлик қилибмиз? Одамда озроқ сабр-қаноат деган нарсадан бўлиши керак-да! Такрор айтганим бўлсин. Вақти келиб ҳаммаси изига тушади. Қаноатни билинг, кам бўлмайсиз... «Сабр қилсанг из...».

Сўнгги сўзни «Каршистрой» бошқармаси раҳбарларидан сўрайлик-чи: ғўрадан ҳолва қачон битаркин?

Н. САЪДУЛЛАЕВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҲИССА

Хўжайли халқ истеъмол моллари фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг салмоқ ва сифати билан элюрт олқишига сазовор бўляпти. Коллектив тўрт ойлик топшириқларни 123,4 процент адо этди. Пландаги 465 минг ўрнига 570 минг сўллик турли хил кенг истеъмол моллари тайёрланди. Эришилган ютуқда корхонанинг қандолатчилик, пахтани қайта ишлаш ва гиламдўзлик цехлари коллективларининг ҳиссаси салмоқли.

М. ҚУТЛИМУРОТОВА, корхона тикув цехи тикувчиси.

ПИЛЛАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

АЪЛО НАВ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ПИЛЛАЧИЛИК БОШ БОШҚАРМАСИДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТГА ҚАРАГАНДА СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА БИР МИНГ ҚУТИДАН КЎПРОҚ ИПАК ҚУРТИ ПИЛЛА УРАЙ БОШЛАДИ

Касбимиз пиллакор. Ҳар йили давлатга кўп ва аъло нав пилла етказиб бериб, планимиз ва мажбуриятимизни ошириб бажаряпмиз. Кейинги йилларда пилланинг навини кўтаришга, айниқса, катта эътибор берилаётир. Сабаби, нав қанча юқори бўлса, хўжаликлар ҳам, пиллакорлар ҳам шунча кўп даромад оладилар. Мамлакатимиз енгил саноати учун юқори нав пилла, айниқса, жуда зарур. Кўп йиллик тажрибага асосланиб, шуни айтишим керакки, ипак қуртини фан — ютуқларига тўла амал қилиб парваришлаб, етиштирилган хом ашёнинг ҳаммасини фақат аъло нав билан давлатга топширишимиз мумкин ва лозим.

Республикамиз пиллакорларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақаси тобора кучайтирилянти. Мен ҳам мусобақага қўшилиб, икки қути қурт уруғини меҳр билан боқяпман. Ҳар қутисидан 150 килограммдан «кумуш тола» хирмони кўтаришга сўз берганман, албатта сўзимнинг устидан чиқаман.

Бу йил пахтачиликда бўлгани каби, пиллачиликда ҳам анчагина қийинчиликлар юз берди. Ёғингарчилик кам бўлиши туфайли барг вақтида амал олмади ва ёзилмади. Бирдан ҳарорат кўтарилиб кетиб, барг қотиб қолди. Бунинг устига қуртни очириш кечикди. Лекин мавсумга пухта тараддуд кўрганимиз туфайли қийинчиликларни бартараф этдик. Бугун шуни тўла ишонч билан айтамизки, совхозимиз, районимиз, қолаверса, областимизда пилла тайёрлаш юзасидан қабул қилган юксак социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун барча имкониятлар бор.

Мен бир муҳим масалага ғўхталиб ўтмоқчиман. Гап бargдан фойдаланиш устида боради. Юқорида айтиб ўтганимдек, тут дарахтларининг барг ёзиши кечикди. Лекин ҳар бир хўжаликда ўз эҳтиёжига етиб ортадиган барг бор. Гап ундан ишлаш кўзини билиб, оқилона фойдаланишга боғлиқдир. Барг нечоғли кўп бўлмасин, ифрофгарчиликка йўл қўйилса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Барг кам деб олиб юришдан ҳам фойда йўқ. Чунки йўқ баргни четдан биров бизга топиб бермайди. Шундай экан, бор баргдан усталик билан фойдаланишимиз, унинг самарадорлигини оширишимиз керак. Барг кесиш, ташиш ва тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтириб, исрофгарчиликка бутунлай барҳам беришимиз лозим. Барча пиллачилик звенолари, бригадаларининг пиллакорлари ўзларига бириктирилган тут дарахтларидан вақтида тежамкорлик билан фойдаланишлари лозим. Мутахассислар эса назоратни кучайтиришлари керак.

Мен ҳозир ипак қуртини бешинчи ёшда парвариш қиляпман. Сўкичаклар олдиндан тайёрлаб қўйилгани ва кенг бўлганлиги учун қуртлар ғайраб ўсяпти. Қуртхонада ҳавони тез-тез алмаштириб турибман. Қуртларни бир кеча-кундузда ўн мартагача барг билан таъминлаяпман. Ипак қурти тўртинчи ва бешинчи ёшларида, айниқса, баргни кўп ейди. Шунинг учун баргни кеча-кундуз бир маромда етказиб бериш керак. Олимларимиз яратган «барака» препарати пиллакорларимизга жуда қўл келяпти. «Барака» билан намланган баргни қуртлар чиқимга чиқармайди. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, барг сўлиб қолмайди, тўйимлилик хусусиятини йўқотмайди. Совхозимизнинг барча пиллакорлари бу препаратдан кенг қўламда фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Пилла қуртининг кушандалари кўп. Ҳушёр турилмаса қурт-қумурсқалар, қушлар, товуқлар жиддий зарар етказиб қўйиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун пиллакорларимиз ҳамиша қуртхоналарда бўлишлари лозим. Маълумки, қуртхоналарда тез-тез ғана ўтказиб турилади, баргини қуртлар еб бўлган шохчалар ташқарига чиқариб ташланади. Ўшандай кезларда шохчаларга илашган қуртларни тўла териб олиб, сўкичакларга қўйиш лозим.

Яқин кунларда пилла терими оммавий равишда бошланади. Шунга пухта тайёргарлик кўриб қўйдикми? Бу масала билан хўжаликларнинг раҳбарлари, айниқса мутахассислар жиддий шуғулланишлари лозим. Чунки давлатимизга фақат аъло нав «кумуш тола» етказиб берамиз деганмиз. Пилла қанчалик яхши терилса, сорт шунча юқори бўлишини унутмаслигимиз керак. Лекин пиллани муддатидан олдин ёки кейин теришга мутлақо йўл қўймаслигимиз зарур. Ўтган йилларда аъло нав пиллани брак пиллага қўшиб топшириш ҳоллари учраган эди. Бу йил ана шундай кўринишга асло йўл қўймаслик чораларини кўришимиз керак. Пилла ташишга катта саватлар, ҳаво кириб турадиган яшиклар тайёрлаб қўйяпмиз! Пиллани қурт ғумбакка айлангандан кейингина мутахассисларнинг маслаҳати билан теришни ташкил қилмоғимиз лозим. Шунда нав аъло бўлади, пиллакорлик номини шарафлаймиз.

Совхозимизда пиллакорлар мусобақаси яхши ташкил этилди. Пиллачилик звенолари, бригадаларининг бошлиқлари бир бирларининг ишини доимо текшириб боришяпти. Йўл қўйилган камчиликлар дарҳол муҳокама қилиниб, зудлик билан оператив чоралар кўрилмоқда ва илғорларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилянти. Ундан ташқари иш жараёнида ўзаро фикрлашиб боряпмиз.

Бу йил районимиз бўйича давлатга 80 тоннадан зиёд юқори нав пилла етказиб беришга аҳд қилганмиз. Барча пиллакорларимиз ўз бурчларини адо этиш билан катта хирмонга муносиб улуш қўшиш учун курашмоқдалар. Мен, юқорида айтиб ўтганимдек, икки қути қурт уруғидан 300 килограмм аъло нав пилла топшираман, юксак мажбуриятимни биринчилар қаторида бажараман.

Қ. ХОЛМАТОВА,
Сурхондарё область, Қумқўрғон районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозининг пиллакори.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент область партия активининг 13 май куни бўлиб ўтган йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарда берган кўрсатмаларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия пленуми қарорларини бажариш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақани янада авж олдириш, меҳнат коллективларининг планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланиш тадбирларини белгиладилар. Сўзга чиққан нотиқлар тайёрланадиган пахта сифатини ошириш, ғўза парвариши юзасидан Тошкент технологиясини такомиллаштириш, илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш масалаларига эътиборни жалб этдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Қ. ЭРГАШЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ички ишлар органларида кўп йил бенуқсон ишлаганлиги, социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан республика ички ишлар министри ўртоқ Қудрат Эргашевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри 1982 йил, 13 май.



Олтинкўл районидаги «Коммуна» колхози заршунослари мавжуд 1533 гектар майдонга чигит экиб, уни қисқа муддатларда ундириб олдилар. Ниҳоллар меҳр билан парвариш қилинаётганлиги туфайли барқ уриб ўсмоқда. Айни кунларда пахтакорлар ниҳолларга ишлов беришни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Бу иш айниқса Аъзамжон Аҳмедов бошлиқ эллик центнерчи бригадада намунали ташкил этилган. Суратда: (чапдан) колхоз раисининг муовини А. Акбаров бригада бошлиғи А. Аҳмедов билан культивация сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. Қаюмов фотоси.

АРМИЯ КОММУНИСТЛАРИ КЕНГАШИ

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгаши 13 май куни Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди.

Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, И. В. Капитонов, М. В. Зимянин ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, бошқа ҳарбий бошлиқлар, сиёсий ходимлар кенгаш президиумидан жой оладилар.

Кенгаш қатнашчилари докладларни муҳокама қилишни давом эттирдилар. Партия ташкилотларининг фаолияти коммунистик партиянинг юксак сиёсий сергаклик ва доимий жанговар тайёрлик ҳолатида бўлиш тўғрисидаги талабларини тўла-тўкис бажаришга қаратилганлиги, қўшинлар ва флот олдига қўйилган конкрет вазифаларни бажариш билан узвий равишда боғланганлиги уқтириб ўтилди.

Сўзга чиққан нотиқлар армия ва флотдаги барча партия ташкилотларини КПСС Марказий Комитетининг кенгаш қатнашчиларига табрикномасида баён этилган қоидалари, СССР мудофаа министрининг ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг докладларидан келиб чиқадиган хулосаларни, рўёбга чиқаришга доир амалий тадбирларни турмушга татбиқ этишга, партиянинг қуролли кучлар олдига қўйган масъулиятли вазифаларини бажариш ишида партия ташкилотларининг фаолиятларидаги асосий кўрсаткичлар бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Таълим жараёнини такомиллаштириш, ишнинг янги, янада самарали форма ва методларини қидириб топиб, амалда жорий этиш тўғрисида улар доимий ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ўз партия ташкилотларингизга қайтиб борганингизлан кейин дарҳол шу ишга киришингиз, деб таъкидлади нотиқ. Партия Марказий Комитети кенгашга нақадар катта эътибор берганлигини, у ҳарбий қурилиш проблемаларига нақадар чуқур тушунаётганлигини, Қуролли Кучлар тўғрисида нақадар чинакам чексиз ғамхўрлик қилаётганлигини шахсан ўзингиз ҳис этдингиз. Шу ҳис-туйғуни коммунистларга, барча жангчиларга етказиш зарур. Бу ерда бўлиб ўтган жиддий партиявий муҳокамага хос қудратли ғоявий шижоатни, жанговар кайфиятни қисмлардаги ва кемалардаги партиявий ишни янада активлаштиришга сафарбар этиш зарур. Кенгашнинг хулосалари ва тавсияларини, унинг қарорларини собитқадамлик билан ҳамма жойда амалий ишларга айлантирмоқ керак.

Барча совет жангчилари номидан Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов улар ўзларининг бутун кучларини совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг улуғ ғалабаларини ва ер юзида тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга сарфлайдилар, деб партия Марказий Комитетини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирди.

КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан мактуб қабул этилди.

Шу билан бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгаши ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

САЙЛОВ ОЛДИДАН

ХАЛҚ МУНОСИБ КИШИЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА

Республиканинг меҳнат коллективлари Совет ҳокимияти маҳаллий органларига, халқ судьялигига ўзининг муносиб вакилларини кўрсатишни давом эттирмоқдалар.

Термиз дарё портининг механизатор — докери Борис Сергеевич Казин, Термиз тикувчилик фабрикасининг тикувчи-моториси Обод Норова, Жарқўрғон район алоқа узелининг электромеханиги Альбина Абдураҳмоновна Бағдасарова Сурхондарё область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилдилар.

Хонқа ипак фабрикасининг меҳнатчилари тўқувчи Зайнаб Оллабергеновани бир ярим баравар ошириб адо этмоқда. Хўжаликнинг сайловолли йиғилишида у Оғалик қишлоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Коммунист. Чилонзор район Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист Седа Михайловна Бағдасарова юстиция органларида ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлаб келмоқда. «Ўзгипрозем» институтининг коллективи уни Чилонзор райсовети судьялигига номзод қилиб тавсия этиб, унга яна юксак ишончини билдирди.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

МАНАГУА:

БИРДАМЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Сандиночи миллий озодлик фронтининг расмий органи — Никарагуанинг «Баррикада» газетаси қуйидагиларни ёзади: Никарагуа давлат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстлик визити икки мамлакат халқлари қардошлиги ва бирдамлигининг ёрқин намойиши бўлди.

Энг қудратли социалистик давлат билан Никарагуа ўртасидаги музокаралар иқтисодий қолоқликни — республиканинг Қўшма Штатлар монополистик капиталига кўп йил қарам бўлиш оқибатларини тугатиш учун никарагуаликлар олиб бораётган кураш билан қардош совет халқи бирдам эканлигини кўрсатувчи янги бир далилдир.

Совет ва Никарагуа томонлари кўпгина масалалар юзасидан қарашлари бир хилдир.

Америка империализми Лотин Америкасида ўз ҳукмронлигини абадийлаштиришга уринаётган бир шароитда СССР билан Никарагуа чинакам тенглик ва бир-бирини ҳурмат қилишнинг ёрқин намуналарини намойиш қилдилар. Жаҳондаги барча давлатларнинг муносабатлари шу принципларга асосланиши лозим, деб таъкидлайди «Баррикада» газетаси.

(ТАСС).

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлиси

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Варшавада бўлиб ўтган мажлисида Польшадаги сиёсий вазиятни муҳокама қилди.

Май ойининг бошларида кўчаларда содир бўлган тартибсизликларни социалистик Польшага душман бўлган марказлар келтириб чиқазганлиги ва бу тартибсизликлар поляк халқининг ҳаётий манфаатига, барқарорлик тараққиётига ва жамоат осойишталигига қаршн қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, бу воқеалар аҳволни нормаллаштириш мақсадида навбатдаги куч-ғайратлар сарфланган, халқ хўжалигида тартиб ўрнатилганлигининг дастлабки натижалари кўзга кўринган, иқтисодий ислоҳот жорий этилаётган, гражданларнинг Биринчи Май намойишларида оммавий равишда қатнашганлиги эса миллий иноқликка эришиш йўлида силжишга эришилганидан далолат бериб турган бир пайтда содир бўлди.

Сиёсий бюро барча партия органларига ва ташкилотларга ҳозирги вазиятда ПБИП Марказий Комитетининг 7- ва 8-пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни активлик билан бажаришни тавсия этди.

Мажлисда ҳукуматнинг вужудга келган вазият хусусидаги фикрлари ва ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ёшлар ташкилотларининг ранслари билан биргаликда ПБИП Марказий Комитетининг ёш авлод проблемаларига бағишлаб ўтказиладиган 9-пленумига тайёргарлик масалаларини муҳокама қилди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш программасини маъқуллади. Бу муносабатлар иқтисодий аҳволни яхшилаш, Польшанинг халқаро майдондаги мавқеини қайта тиклаш, унинг чегаралари хавфсизлиги ва даҳлсизлиги учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда унинг янги формаларини вужудга келтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. (ТАСС).

Тергов бошланди

ВАРШАВА, 12 май. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, ПХР бош ҳарбий прокуратураси Польша фанлар академиясининг илмий ходими Р. Герчиньский иши юзасидан тергов бошлади. У халқ Польшасининг манфаатларига путур етказадиган материалларни Америка дипломатларига — АҚШнинг Варшавадаги элчихонаси биринчи секретари Д. Говард билан шу элчихонанинг фан атташеси Д. Жеролисга топширган эди.

Герчиньский ўтмишда Польшадаги қўпорувчилик фаолиятининг ташкилотчиларидан бири бўлган эди. 13 декабрь кунни у ҳибсга олинди ва сўнгра қўпорувчилик иши билан шуғулланмаслик тўғрисида берган аризаси асосида озодликка чиқарилди. Польша хавфсизлик органлари ходимлари уни америкалик дипломатларга материаллар бераётган пайтида қўлга туширгилар.

Кейинги икки йил мобайнида Американинг махсус мақамалари Польшада ҳаддан ташқари актив ҳаракат қила бошлади. Бу нарса ўтган йилнинг иккинчи ярмида айниқса равшан сезилди, ўшанда ПХРга турли-туман «олимлар», «иқтисодчилар» ва «касаба союз мутахассислари» ёпиришиб кела бошлади, деди ПХР ички ишлар министрлигининг вакили ПАП агентлигининг мухбирига. Бу кишилар Польшага етиб келгач, аввало «Бирдамлик» бирлашмасининг раҳбарлари, шунингдек давлатга қарши ишлар қилиб ном чиқарган кишилар билан алоқа ўрната бошладилар. Америка дипломатларидан Говард ва Жеролис шу ишлар билан шуғулландилар. Куни кеча уларга Польшадан чиқиб кетиш таклиф этилди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

БЕРЛИН, ГДР пойтахтида «Интеркосмос» программаси ишчи группасининг космик фазодан ерни ўрганувчи мутахассисларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша, Румния, Совет Иттифоқи ва Чехословакия олимлари биргаликда олиб борилган ишларга якун ясадилар, келажакка мўлжалланган планларни белгиладилар.

БОННН. Ғарбий Германиядаги 900 дан ортиқ федерал ва маҳаллий ташкилот «Ҳамма тинчлик учун курашга» Мурожаатномасига имзо чекди. Мазкур Мурожаатнома НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг 10 июнда Бонндаги учрашувига қарши қаратилган. ҒФРда НАТО мамлакатлари бошлиқларининг учрашувига қарши норозилик намойишининг ташкилотчилари бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилдилар.

ТОКИО. Капиталистик дунёда савдо-сотиқ соҳасидаги зиддиятларнинг кескинлашаётганлиги Япония экономикасига оғир таъсир кўрсатмоқда, деб ёзади Японияда чиқадиган «Бизнес эйша Жапан» газетаси. Шу йил январдан бошлаб Япония экспорт қилаётган маҳсулотлар тиммай қисқармоқда. Бу, деб ёзади газета, саноат ишлаб чиқаришда турғунликка олиб келади ва ишсизлар қўпайишига сабаб бўлади.

Япония бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликлар АҚШ ўтказаётган юқори процентли ставкалар сиёсати натижасидир. Бу сиёсат, деб ёзади газета, бошқа мамлакатлар, хусусан Японияннг жиддий молиявий мажбуриятларига сабаб бўлади. (ТАСС).

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НУТҚИ ХУСУСИДА

АҚШ президенти Р. Рейган 9 май куни ташқи сиёсат тўғрисида нутқ сўзлади. Бундан олдин ҳозирги Вашингтонда одат бўлиб қолганидек бу нутқ теварагида шов-шув кўтарилди. Америкага ва жаҳон жамоатчилиги Қўшма Штатларнинг ҳозирги замон бош масалаларига ва аввало Совет Иттифоқи билан муносабат масалаларига ёндашувда оз бўлмаса «янгилик» ваъда қилинди.

Бироқ амалда бутун «янгилик» шундан иборат бўлдики, президентнинг мазкур нутқида Американинг ҳозирги раҳбарлари учун одат тусига кирган ва Совет Иттифоқи шаънига ҳамда унинг сиёсатига нисбатан ҳар хил уйдирмалар ва ҳужумлар бу гал бир бутун қилиб тўпланган.

Бунда айни Америка Қўшма Штатларининг ўзи ҳар қадамда қилаётган номақулчиликлар, чунончи бошқа давлатларнинг ички ишларига қўпол аралашиш, халқларга АҚШ учун мақбул бўлган тартибларни тиқиштириш интилиш каби бўлмағур ишларни Совет Иттифоқига тўнкашга уриниб ҳам кўрилади. Америка президенти шу нутқида ҳам бошқа халқларга турмушни, ўз-ўзидан равшанки, америкача тарзда қандай қуриш кераклиги тўғрисида уларга панд-насиҳат беришдан тийилиб туролмади. Бунга гўё Совет Иттифоқи химиявий қуроли қўллади, деган ҳаёсизларча бўҳтон ҳам қилинди. Бу даъво ҳам айни шундай ёвузликларда айбдор бўлган АҚШнинг ўзини шундай йўл билан оқлашга уриниб кўриш учун керак бўлиб қолди, холос.

Бунда «совет агрессивлиги» ва «совет ҳарбий қудрати қучаймоқда» деган ўша-ўша сийқа даъволар ҳам такрорланди. Президент бу мавзуда айниқса кўп гапирди, гарчи ҳамиша бўлганидек, у ҳеч қандай далил-исбот келтира олгани йўқ. Бунинг устига у 70-йилларда (кескинликни юмшатиш даврида) АҚШнинг аввалги раҳбарлари «зўравонлик позицияси» сиёсатидан чекинганликлари, Шарқ билан савдо-сотиқни ривожлантиришда сиёсий ён беришлар тўғрисидаги талабларни шарт қилиб қўймаганликлари, қуролсизланишга доир музокараларда баб-баравар хавфсизлик принципини қабул қилганликлари, социалистик ҳамдўстликка зиён етказиш мақсадида Хельсинки Якунловчи актидан фойдалана олмаганликлари учун уларга танқид тошини ёғдирди.

Р. Рейган тарихий воқеаларни ўзича талқин қилиб, гўё кескинликни юмшатиш даври Европада «ҳафсалани пир қилди» ва дунёнинг бошқа қисмларида «орзумидларни барбод этди» деб даъво қилди. Оқ уй бошлиғининг бутун нутқи каби унинг «программавий» деб аталган қисми ҳам агрессив руҳ билан сугорилган. Президент «янги, янада қаттиқ йўл» тутишга даъват этади. Бу йўл даставвал Вашингтонга унинг иттифоқчилари сўзсиз бўйсунишини ва империализмнинг социалистик мамлакатлар устидан устунликка эришиш мақсадида Америка ҳарбий потенциалини жаҳон миқёсида кучайтиришни назарда тутади.

Президент социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни энг паст даражага туширишга қўйиш пайида бўлмоқда. Р. Рейганнинг сўзларига кўра, АҚШ ва унинг иттифоқчилари социалистик мамлакатларнинг ва миллий озодлик ҳаракатларининг манфаатларига қарши қаратилган жараёнларни дунёнинг ҳамма жойида рағбатлантиришлари керак эмиш.

«Тинчликни ҳозир ва келгусида сақлаб қолишга» интилиш ҳамда СССР билан «янги ҳамжиҳатликни ўрнатишга» тайёрлик тўғрисида нутқнинг у ер, бу ерида учраб турадиган гаплар, афтидан президентга бир ниқоб сифатида, АҚШ бир ярим йил пайсалга солгандан кейин ниҳоят стратегик қуролярогларга тўғрисидаги музокараларга киришиш тўғрисидаги баёнотини «конструктив қадам» сифатида дабдаба билан тақдим этиш учун керак бўлиб қолган бўлса керак. Аммо президент ўзининг ана шу баёнотини жуда кенг изоҳлаб берганлиги ҳақиқатда вашингтондагилар бирон бир конструктивлик тўғрисида тамомила ўйламаётганликларидан далолат беради.

АҚШ раҳбарлари ўзлари учун бир томонлама афзалликларга эришишдан ҳамда СССР ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига путур етказишдан иборат ҳамон эламнинг жигига тегалигича ғояга асосланиб иш кўрмоқдалар. Шу жиҳатдан президентнинг мен «совет ҳарбий программаларини чинакам ва узоқ муддатга чеклашни таъминлашни» 80-йиллар музокараларининг вазифаси деб биламан, деган сўзлари характерлидир. Албатта, бунда Қўшма Штатлар ўз зиммасига худди бир хил мажбуриятларни қабул қилмаслиги керак эмиш.

Президент нутқидаги хўжакўрсинга қилинган тинчликсеварлик тўғрисидаги сафсата эса ҳамон ўша милитаристик режаларни амалга ошириш учун бирмунча қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида афкор оммага мажбурий ён босишдан бошқа нарса эмас.

АҚШ ва Ғарбий Европадаги кўпгина таниқли арбоблар АҚШ президентининг найрангини билиб қолдилар. Улар ўз нутқларида АҚШ президенти эълон қилган «янги ёндашув»ни реал воқеликлар асосида «Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш» программаси эмас, балки қуролсизланиш жараёнига путур етказиш, АҚШ ва умуман Ғарбни бошқа давлатларга ва биринчи навбатда социалистик ҳамдўстликка қарши зўравонлик билан курашиш йўлидан четга чиқармай туриш, АҚШнинг СССР устидан ҳарбий устунлигига эришиш ниятидир деб ҳақли равишда таъриф ламоқдалар.

Р. Рейган шу нутқини сўзлаш учун нима мақсадда шундай пайтни танлаб олганлигини пайқаш қийин эмас. У НАТО мамлакатлари раҳбарларининг июнь ойи бошларига белгиланган учрашуви арафасида АҚШда ва Ғарбий Европада урушга қарши ҳаракатлар тўлқинини пасайтиришга ва айни вақтда ўз иттифоқчиларига тазйиқ ўтказишга уринмоқда. (ТАСС).

АНГЛИЯ-АРГЕНТИНА МОЖАРОСИ

Рейган маъмурияти мустамлакачилик сиёсатини ўтказишда, Фолкленд (Мальвин) оролларидаги сабабли чиққан можарони қўпол куч ёрдамида ҳал этиш йўлидаги уринишларда Тэтчер ҳукуматининг тобора актив ҳомийси сифатида иш кўрмоқда. Америкадаги Си-би-эс телекомпаниясининг хабар қилишича, Қўшма Штатлар самолётларга ёнилғи қуядиган замонавий «КС-135» самолётларини Англияга бериб қўйишга қарор қилди.

Ана шундай мадад олиб турган Англиянинг консерватив ҳукумати ҳамон ҳарбий кучга зўр бермоқда. Буэнос-Айресдан бир томонлама ён беришни талаб қилмоқда. «Англия кабинетининг бошлиғи, — деб ёзади Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси, — Фолкленд танглигини Аргентинага оролларни ўз территорияси деб ҳисоблаш ёки оролларга ўтиб, Аргентина суверенитети тез орада эътироф этилишини талаб қилиш имконини берадиган тарзда ҳар қандай бартараф этишни қўллаб-қувватламайди, деб очиқ-равшан айтди».

Лондондагилар, деб уқтиради газета, проблеманинг БМТ ёрдамида тез ҳал этилишига ишончлик ишонмаяптилар. Аксинча, Англия пойтахтида Фолкленд (Мальвин) оролларига яқин кунларда Британия десанти туширилишини кутмоқ керак, деган фикр кенг тарқалди. Бундай қадам бутун дунёда можарони янада кучайтириш деб ҳисобланишига қарамай, барибир шундай қилинаверади, деб таъкидлайди газета.

Аргентина ҳукумати Англиянинг агрессиясини даф қилиш учун зарур чораларни кўриш билан бирга танглиқни тинч бартараф этиш йўлларини қидириш мақсадида дипломатия соҳасидаги куч-ғайратларини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

ХУШ КЕЛИБСИЗ

ТУРИЗМ

Туризм — тинчлик, халқлар ўртасидаги дўстлик элчисидир. Бу — бардамлик, сиҳат-саломатлик манбаидир.

Сахий қуёш, тинчлик ва саховат ўлкаси бўлган республикамизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб туризм ва саёҳат ишқибозлари келмоқдалар. Қадимий ўзбек диёри ўзининг бугунги фаровон ҳаёти билан уларни ўзига тортмоқда.

Чет элда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ўсаётир. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина республикамизга 150 мингдан ортиқ чет эллик саёҳатчи келиб кетди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 60 йиллик юбилей йилида ҳорижий туристларнинг ташриф буюриши янада ошади.

Совет Ўзбекистонига келаётган чет эллик меҳмонларга Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Шаҳрисабздаги туристик марказлар кўнгилли хизмат кўрсатмоқдалар. Республика «Интурист»и чет эллик меҳмонлар учун ранг-баранг экскурсияларни уюштирмоқда. Улар ўлканинг қадимий обидалари билан танишмоқдалар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, болалар боғчалари ва мактабларида маданият саройлари ва клубларида бўлмоқдалар. Меҳмонларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси катта таассурот қолдирмоқда. «Интурист»нинг Тошкент маданият марказида социалистик турмуш тарзи, совет воқелиги, КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати актуал масалалари ҳақида лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, давра столи атрофидаги учрашувлар, туристларни қизиқтирган халқ хўжалигининг муайян мутахассислари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Кечқурунлари эса концертлар ва томошалар қўйилмоқда. Бу учрашувлар шўҳасиз туристларнинг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурини бойитади, улар буржуа оммавий ахборот воситаларининг совет воқелигини бузиб кўрсатувчи бўҳтонлари умуман ёлғон-яшириқ гаплардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиладилар.

Туризм — халқлар ўртасида ўзаро тушуниш ва дўстлик ўрнатиш воситасидир. Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашаётган туризм фақат тинчлик шароитларидагина муваффақиятли ривожланиши мумкин. Мамлакатимизга келаётган чет элликлар совет кишилари тинч бунёдкорлик меҳнатининг гувоҳи бўлмоқдалар. Меҳмондўст республикамизга қадам қўяётган барча меҳмонлар «Хуш келибсиз!» илиқ сўзларини эшитмоқдалар.

А. ТУХТАСИНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ТЕХНИКА САМАРАСИ

«Ташсельмаш» заводининг Сирдарёдаги филиалида болалар стуллари ва ошхона стулларини ишлаб чиқариш беш баравар кўпайди. Бу ерда бир кунда тўрт минг буюм ишлаб чиқариш учун мўлжалланган янги поток линия ўрнатилган. Буюмларни бўяш билан шуғулланган беш киши бошқа ишга ўтказилди. Энди бу ишни бир киши адо этмоқда.

НУРОБОД ПОСЁЛКАСИДА

Наманганнинг шимолий чеккасида қурилаётган Нуробод массивининг аҳолиси томорқа участкаларини кўкламзорлаштиришга киришдилар. Кучли насос ёрдами билан катта Наманган каналининг суви посёлкадаги хонадонларга етказиб берилмоқда. Келгуси йилнинг ўзидаёқ Нурободда олти минг оила яшайдиган бўлади.

ТОҒ ЕНБАҒИРЛАРИДА БОҒЛАР

Андижондаги саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлар барпо этиши учун 500 гектар адир массив ажратилди. Тоғ ёнбағирларида вужудга келтириладиган боғ ва токзорларни суғориш учун сув чиқариб берадиган бир неча кучли насос ўрнатилди. 2508-автоколоннанинг ҳайдовчилари биринчи бўлиб мевали дарахт кўчатлари ўтказишга киришдилар. «Андижанводстрой», «Андижанирстрой» қурилиш трестларининг, «Ўзбекнефть» бирлашмаси пармалаш ишлари бошқармасининг, 2511-автоколоннанинг қурилиш техникумининг коллективлари ажратилган участкаларни зўр ғайрат билан ўзлаштирмоқдалар. Адир ерларнинг ўзлаштирилиши келажакда шаҳарликларни мевалар билан таъминлашни яхшилабгина қолмай, шу билан бирга андижонликлар учун дам олиш зонасини ҳам вужудга келтириш имконини беради. Келгусида бу ерда дам олиш уйлари ва кемпинглар қуриш режалаштирилмоқда.

ХОНАДОНЛАРДА ЗИЛОЛ СУВЛАР

Жўмашўй қишлоғида истиқомат қилаётган уч юздан кўпроқ оила артезиан қудуғининг сувидан бахраманд бўлди. Қишлоқ қурувчилари қудуққа уланган 1,5 километр узунликдаги водопровод линиясини хонадонларга келтириши муддатидан илгари тугалладилар. Марказий Фарғонада жойлашган Задарё районида бутун аҳоли артезиан қудуқларидан олинаётган зилол сувдан фойдаланмоқда.

БУРСИЛДОҚ НОНЛАР

Мўйнокда ишга туширилган янги нон заводи маҳсулот бера бошлади. Корхона цехларида тақомиллаштирилган элаклар, дозатор линиялар, ҳамир қоруви машиналар ва бошқа энг янги технология асбоб-ускуналари ўрнатилган. Булар ёрдамида бир суткада ўн тонна бўрсилдоқ обинон, буханка нон, ширин «каламчаялар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Беш йиллик охиригача республика қишлоқ матлубот кооперацияси системасида яна саккизта нон заводи қуриш мўлжалланган.

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА

✦ Комсомольск-Амурдаги автомобиль йўлининг Амур дарёси устидан ўтадиган қисми қурилиши муваффақиятли якунланмоқда. 8-«Мостострой» трестининг 26-кўприк қурилиш отряди аъзолари автомобиль ишчи ҳаракатини муддатидан илгари очиш учун курашмоқдалар. Суратда: илғор бригада аъзоларидан бир гуруҳи.

✦ Тюмень области, Ленин орденли ва Халқлар дўстлиги орденли Ханти-Манси автоном округининг меҳнаткашлари округнинг 60 йиллик юбилейини экономика ва маданият соҳасида зўр муваффақиятлар билан кутиб олишмоқда. Суратда: Сургут-Полоцк нефтепроводининг 2-тармоғида пайвандлаш-монтажлаш ишлари пайти.

ТАСС фотохроникаси.

СПОРТ

КУРАШ:

ҚАҲРАМОН ХОТИРАСИ

Фарғона областининг Бағдод районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» стадионида ўзбек халкининг асл фарзанди, табаррук инсон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузруккўжа Усмонхўжаевнинг хотирасига бағишланган анъанавий республика турнири ўтказилди.

Баҳор шабадаси эсиб турган яшил майдон узра кураш гиламлари тўшалди. Стадион байрамона тус олди. Қаҳрамон хотираси совғини учун анъанавий мусобақада иштирок этиш учун Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳридан келган полвонлар, Қирғизистоннинг Ўш областидан ташриф буюрган меҳмонлар саф тортишди. Улар орасида пионерлик Музаффар Аҳроров, Тоҳир Беков, паркентлик Акмал Азимов, бағдодлик Алишер Хўжаев, Рустам Тожиев сингар таниқли полвонлар бор эди. Миллий кураш ишқибозлари билан тўлган стадионда мусобақа байроғи тантанали суратда кўтарилди. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг раиси Н. Мадаминов қисқа нутқ сўзлаб, Бузруккўжа Усмонхўжаев босиб ўтган шонли йўл ҳақида гапирди ва полвонларга қизғин беллашувларда муваффақият тилади.

Шундан кейин, дастлабки беллашувлар ўтказилди. Фарғона ва тошкентлик полвонларнинг мусобақага пухта ҳозирлик кўришгани сезилиб турди. Аниқса, фарғоналик полвонлар мухлисларни мамнун этишди. «Тошкентлик Акмал Аъзамов билан Тоҳир Беков, риштонлик Баҳодир Қўлдошевларнинг курашлари менга маъқул келди, — дейди кекса полвонлардан Аъзамполвон Раҳмонов. — Ёш полвонлар усул қўллашни, кучларини билиб ишлатишни ўрнига қўйишмоқда. Уларнинг келажагига умид қилса бўлади».

Уч кун давом этган кескин беллашувлардан кейин Фарғона области полвонлари умумкоманда ҳисобида биринчиликни эгаллаб, кўчма совғини қўлга киритишди. Тошкент ва пойтахт области вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда вазнларига кўра У. Фозилов, А. Азимов, Ш. Мирзақулов, А. Шокиржонов (Тошкентдан), фарғоналик курашчилардан В. Қўзиев, В. Муҳамадалиев, Б. Қўлдошев, А. Аҳмедов, В. Тожиев ҳамда Ўшлик А. Кўчбоевлар муваффақият қозондилар. Мусобақа ғолибларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақа иштирокчилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор Бузруккўжа Усмонхўжаев музейини бориб кўрдилар. Қаҳрамоннинг бюсти пойига гулчамбарлар қўйилди.

Т. ОДИЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер.

«ТИНЧЛИК» ВЕЛОПОЙГАСИ:

ШОҲИД ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

Польша, Чехословакия ва ГДР йўллари бўйлаб ўтказилаётган «Тинчлик» халқаро велосипед пойгаси қизғин давом этмоқда. Мусобақада иштирок этаётган халқаро классдаги спорт мастери тошкентлик Шоҳид Загретдинов ҳар бир босқичда марра сари астойдил интилмоқда. Жумладан 5,7 километрга ўтказилган мусобақаолди баҳсида 17-ўринни эгаллаган эди. 184 километрли дастлабки босқичда эса саккизинчи бўлди. Иккинчи босқич мусобақалари ҳам қизғин спорт курашлари остида ўтди. Бунда совет спортчиси Рихо Суун пешқадамлик қилди. Шоҳид эса тўртинчи ўринни эгаллади. Ҳозир икки босқич натижасига кўра вакилимиз бешинчи бўлиб турибди. Совет пойгачилари умумкоманда ҳисобида учинчи ўринда боришмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ СОВРИНИ:

ЧАВАНДОЗЛАР ҒАЛАБАСИ

Тошкент отчопарида бир ҳафта давом этган совриндорлик баҳси ўзига ҳос маҳорат кўригига айланди. Мусобақада Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари терма командалари қатнашдилар. Мусобақага пухта қозирлик кўрган Ўзбекистон терма командаси чавандозлари бош совринни қўлга киритишди. Қозоғистон ва Қирғизистон командалари иккинчи ва учинчи мукофотни ўринларни эгаллашди. Тўсиқлардан ошиш баҳслари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Халқаро классдаги спорт мастери Амир Аҳметшин «Очилиш» совринини қўлга киритган бўлса, қозоғистонлик П. Соловьев республика Министрлар Совети совринни билан тақдирланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХІХ СПАРТАКИАДАСИ:

ТОШКЕНТЛИКЛАР ЗАФАРИ

Республикамиз шаҳарларида Спартакиада мусобақалари давом этмоқда. Жумладан, Янгийўл ва «Қибрай» спорт комплекси стадионларида ўтказилган футбол учрашувлари якунланди. Самарқанд командаси биринчи, Фарғона ва Тошкент области коллективлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Наманганда эса вспотрекда ўтказилган пойгада Тошкент области спортчилари команда ҳисобида пешқадамлик қилишди. Чирчиқда баскетболчи аёллар баҳсига якун ясалди. Бу ерда Тошкент шаҳар командаси ғолиблик қилди. Ҳозир спортнинг 24 тури бўйича ўтказилган баҳслардан кейин Тошкент шаҳар терма командаси биринчи ўринни эгаллаб турибди.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Олий лига командалари ўртасида 10-тур учрашувлари ўтказилди: ЦСКА — «Зенит» — 1:1, — «Торпедо» (М) — «Динамо» (Мн) — 1:2, «Шахтёр» — «Динамо» (К) — 0:0, «Кубань» — «Черноморец» — 3:3, «Металлист» — «Арарат» — 1:0, «Нефтчи» — «Динамо» (М) — 2:1, «Днепр» — «Динамо» (Тб) — 0:0, «Торпедо (К) «Спартак» — 2:4. Ҳозир «Арарат», «Динамо» (Мн) ва «Пахтакор» командалари 12 тадан очко билан фахрли ўринларни эгаллаб туришибди. «Спартак», «Металлист» ва «Қайрат» коллективларида 11 тадан очко бор.

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

ГИПЕРТОНИЯНИНГ СИР-АСРОРЛАРИ

Бир-бирини очиш учун унинг нозик жойларини топа билиш керак. Ортиқча артериал босим сабабларини ўрганаётган Латвия олимлари учун оқсил таркибига кирадиган энг зарур аминокислота-триптофан парчаланишидаги бузилиш шундай нозик нуқта бўлиб чиқди.

Бугунги кунда биз шу соҳада қуйидагиларни биламиз: гипертония билан оғриган кишиларнинг 25 процентидагина шу дарднинг сабабини аниқ белгилаш мумкин. Қолган кўпчилик беморларда эса касалликнинг сабабларини сира билиб бўлмайди. Шундай бўлгач, касалликнинг сабабини эмас, балки унинг оқибатини йўқотиш учун нормал қон айланиш даражасини дори-дармон билан сақлаб туришдан бўлак илож қолмайди. Шунинг учун ҳам юз минглаб кишиларни даволаш усулини тўғри танлаш касаллик механизмининг тўғри аниқланишига боғлиқ бўлади.

Латвия кардиология илмий-тадқиқот институтида қон босимида ўзгариш сабабларидан бири триптофаннинг парчаланиш занжирида эканлиги исбот қилинди. Шу биохимик реакция натижасида кўпинча никотин кислота ҳосил бўлади ва қон айланиши кислотага кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Лекин организм етарлича «дастлабки хом ашё» — триптофан запасига эга бўлгани ҳолда унинг пировард маҳсули — никотин кислота ололмайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Бинобарин модда алмашиш жараёни номатлуб йўналишдан бориб, муҳим моддани тақчил қилиб қўяди ва босимнинг кўтарилиб кетишига мажбур қилади.

Медицина фанлари доктори В. Рудзит қондаги шу кислота миқдорини аниқлаш методини ишлаб чиқди, унинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатадиган омилларни топди. Натижада даволаш воситалари тури анча ортди. Лекин энди триптофаннинг табиат белгилаб берган йўлдан четланишига нима мажбур қилади, деган навбатдаги жумбоқ пайдо бўлади. Шундай экан гипертония қўйдиган «истеҳкомлар» системасида яна бир нозик жойни излаб топиш керак. Ҳақиқий илмий проблема ҳал этилиб борар экан, ҳамиша янги-янги муаммолар келтириб чиқаради.

Г. КУЧИНА,
ТАСС мухбири.
РИГА.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг навбатдаги сони 16 майда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ленин орденли «Главленинградстрой»га қарашли 3-уйсозлик комбинати базасидаги
101- ЛЕНИНГРАД ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8 — 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизларни ҳамда Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларни:

бўёқчи-суворчи, суворчи-пардозловчи, плита ўрнатувчи, дурадгор-паркетчи, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи электромонтёр, арматура сеткалари ва каркасларнинг пайвандловчилари, сантехник-газ пайвандловчи, қўлда пайванд бўйича электр пайвандловчилари, темир-бетон конструкцияларни монтажчиси, асбоб ускуналарни бошқариш пульти операторлари, қолиплаш агрегатлари машинисти, қурилиш материаллари бўйича лаборант-контролер мутахассисликлари бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3 йил, 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 10 ой.

Ўқувчилар бепул кийим-бош, махсус иш кийими, овқат билан таъминланади, ишлаб чиқариш таълими жараёнида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. 10-синф маълумоти билан ўқишга кирганларга 76 сўм (лаборантлар — 30 сўм) миқдорида стипендия берилади.

Ўқувчиларга билим юртида ўқиш давомида институтларнинг тайёрлов курсларига қатнаш ёки Ленинграддаги исталган олий ўқув юртининг кечки бўлимида ўқишга имконият яратиб берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар исталган олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун аризалар ҳар куни соат 9 дан 18.00гача қуйидаги адресда қабул қилинади: Ленинград шаҳри, Учучи Пилютов кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 130-00-73, 130-02-96, 130-27-77.

ДНЕПРОПЕТРОВСК ҲАВОГА ҚАРШИ МУДОФАА ОЛИЙ ЗЕНИТ РАКЕТА КОМАНДИРЛИК БИЛИМ ЮРТИ
1982 йил учун
1-КУРСГА

КУРСАНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти мамлакат ҳавога қарши мудофаа қўшинлари учун олий ҳарбий-махсус маълумотли офицерлар тайёрлайди.

Билим юртини битирганларга лейтенант ҳарбий унвони ва радио техника воситаларини эксплуатация қилиш бўйича инженер мутахассислиги билан бирга умумтиффоқ намунасидаги диплом берилади.

Ўқишга киришни хоҳлаган граждан ёшлар турар жойлари бўйича район (шаҳар) ҳарбий комиссариги ариза берадилар, ҳарбий хизматчилар команда бўйича рапорт берадилар.

Ариза (рапорт)га **ҳарбий билим юртига қабул қилиш қоидаларида кўзда тутилган ҳужжатлар қўшиб топширилади.**

Ҳарбий комиссариатда билим юртига ўрин борлиги кўрсатилмаган бўлса, граждан ёшлар билим юрти бошлиғининг номига ўзининг адресини ва ўчётда турган ҳарбий комиссариатнинг номини кўрсатиб ариза ёзиши мумкин.

Кириш имтиҳонлари — 15 июлдан 5 августгача ўтказилади.

Билим юрти бошлиғининг чақиригига биноан ҳарбий комиссариатлар (қисм командирлари) орқали имтиҳон топширгани борилади.

Имтиҳонларни топшириш учун борганлар бепул овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчи барча номзодлар ўрта мактаб программаси ҳажмида қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: рус тили ва адабиёти (ишоғ), **математика** (ёзма ва оғзаки), **физика** (оғзаки).

Бундан ташқари, номзодлар жисмоний тайёргарлик бўйича граждан ёшлар — «СССР меҳнати ва мудофаасига тайёр бўл» Бутуниттифоқ физкультура комплекси машқлари бўйича, ҳарбий хизматчилар — СССР Қуролли Кучларининг ҳарбий-спорт комплекси машқлари бўйича амалий текширувдан ўтказиладилар.

Ўқиш муддати — 4 йил.

Билим юртига қабул қилишганлар курсантлар ҳисобланади. Ҳар бир ўқув йили тугаганидан кейин курсантларга (ёзда) отпуска жойига бориш ва қайтиб келиш учун бепул йўл ҳақи билан ойлик отпуска берилади. Ҳар йили (қишда) икки ҳафталик каникул отпускаси берилади.

Билим юртининг адреси: 320119, Днепропетровск шаҳри, Гагарин проспекти, 26-уй.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
155-ШАҲАР ТЕМИРИЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Узоққа қатновчи пассажир вагонларининг проводниги. Ўқиш муддати — 1 йил. Урта маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Ётоқхона берилмайди.

Машинада қолипловчи. Ўқиш муддати — 1 йил.

8-10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. 8-синф маълумоти бўлганларга ойига 30 сўм, 10-синф маълумоти бўлганларга 70 сўм стипендия тўланади. Ётоқхона билан таъминланади:

токарь-универсаль. 10-синф маълумоти бўлган; 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1 йил. Етоқхона берилади:

тепловоз машинисти ва рефрижератор поездларининг механиги. 10-синф маълумоти бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. Ойига 30 сўм, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун эса 72 сўм стипендия тўланади. Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади. Ўқиш муддати — 1,5 йил:

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарь-электр пайвандчи, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати — 3 йил. Бу группаларга 8 синф маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар 3 ой ҳал овқат, кийим-бош, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат қилиб топган маошининг 50 процента билан таъминланади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади, аъло баҳоларга тугатганлар эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун жорий этилган имтиёзлардан, жумладан, Совет Иттифоқининг исталган пунктига поездда бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ва маълумоти ҳақидаги гувоҳномалар, ота-онасининг иш жойи ва яшаш жойидан справкалар, характеристика, 8 та фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин районы, Черняков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг
РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1982—1983 ўқув йили учун рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича
СИРТҚИ БЎЛИМГА
СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

сиртқи бўлимга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: рус тилидан бошқа тилларда ўқиганлар учун — рус тили ва адабиётидан русчадан бошқа тилда ўқитиладиган мактаб программаси ҳажмида (оғзаки ва ёзма), СССР тарихи, чет тили; рус тилида ўқитиладиган мактабни битирганлар учун — рус тили ва адабиёти (оғзаки ва ёзма), СССР тарихи, чет тили.

Сиртқи бўлимга иккала жинсдаги ўрта маълумотга эга бўлган кишилар ёшидан қатъи назар, мактаб ўқитувчилари, тарбиячи, пионервожатий, ҳунар-техника таълими ўқитувчилари сифатида ишловчилар ҳамда ўқитиш, коммунистик тарбия билан боғлиқ бўлган бошқа ходимлар, шунингдек Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ҳарбий хизматчилар қабул қилинади.

Аризалар 31 майгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 ИЮНДАН 20 ИЮНГАЧА БУЛАДИ.

Машғулотлар 25 июндан бошланади.

Сиртқи бўлимга киришни истаганлар ректор номига ариза, характеристика, ўрта маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси), медицина справкаси (286-форма), 4 та фотосурат (3х4 см.), муассаса томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирмани тақдим этишлари лозим.

Паспорт, ҳарбий билет ёки гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Институт адреси: 700100, Тошкент шаҳри, А. Икромов районы, Академик В. В. Решетов кўчаси, 4-уй (метронинг «Чилонзор» станциясидан қатновчи 20-автобус ва метронинг «Пахтакор» станциясидан қатновчи 35-автобуснинг «Рус тили ва адабиёти институти» бекати).

●

ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ МАКТАБЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ВА РЯЗАНЬ ОЛИЙ МАКТАБЛАРИ, ВЛАДИМИР, УФА ВА ЧИМКЕНТ УРТА МАКТАБЛАРИГА.

Олий мактабларда ўқиш муддати — 4 йил, ўрта мактабларда — 2 йил.

ОЛИЙ МАКТАБЛАРГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР; рус тили (ишоғ), СССР тарихи (оғзаки), рус тили ва адабиёти (оғзаки), чет тили (оғзаки).

УРТА МАКТАБГА КИРУВЧИЛАР ИККИТА ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР: рус тили (ёзма), СССР тарихи (оғзаки).

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА МАЖБУРИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАН, 30 ЕШДАН КАТТА БЎЛМАГАН ЭРКАКЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишни тамомлагач, битирувчиларга ички хизмат лейтенанти унвони ва юрист дипломи берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ўрта маълумот ҳақидаги аттестат (асли), ишлаб чиқариш ёки хизмат характеристикаси, комсомол ёки партия характеристикаси, меҳнат дафтарчаси, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхалари, ҳарбий билет.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга шахсан мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Куйбишев шоссеси, 25-уй, 249-хона, кадрлар бўлими (12, 26, 52, 68-«э», 133-автобусларнинг «Ўзбумкомбинат» бекати).

Узбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими, Тил ва адабиёт институти коллективи Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. А. Абдуллаевга умр йўлдоши

Меҳрихон ЖАЛОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Қўрлар жамияти Марказий правленияси Президиуми Узбекистон Қўрлар жамиятининг Қарши ишлаб чиқариш корхонаси директори

Бахтжон ОЛДИЕРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг сила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Ёшлик куйлари. 9.30 — Совет Узбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Узбекистон қардош халқларининг ягона оиласида. 11.25 — С. Жалил асарларидан концерт. 12.10 — Гулла, яшна, қўрқ Ўлка! 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Ёшлик. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.30 — Бугун радиотеатрда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.25 — Хоккей бўйича СССР терма командаси — 1982 йилги жаҳон чемпиони. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — И. Бранс. 3-симфония. 16.25 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — Концерт. 17.15 — Москва комсомолининг ишлари. 17.45 — Еттинчи жин. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм. 5—6-серийлар. 21.30 — Время. 22.00 — Бокс. Жаҳон чемпионати. 22.30 — Хоккей. Спартак — Динамо (М). 23.55 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Техника ва тоғлар. 9.35 ва 13.10 — Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Физика. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 14.15 — А. П. Чехов театри. 15.10 — Илмий-оммабоп фильм. 15.20 — А. Блок. Ўн икки. 15.50 — География. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Бокс бўйича жаҳон чемпионати. 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли, тун кичкинтойлар. 20.50 Езувчи тақдири — халқ тақдири. 21.30 — Время. 22.00 — Москва юлдузлари. Концерт. 00.10 — Дзю-до. Европа чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Биология. 12.00 — Фонарик. 12.30 — Биология. 13.00 — Транссибирь экспресси. Бадиий фильм. 18.00 — Фильм-концерт. 18.30 — ВЛКСМ XIX съезди олдидан. 19.00 — Халқ судлари ва халқ маслаҳатчилари сайловлари олдидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Адабий композиция. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Эртага — премьера.

ТОШКЕНТ-II. 17.50 — Она тили. 18.20 — Физика. 19.20 — Мусобақа туфайли эришилган ютуқ. 19.50 — Қалбимда баҳор. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Москва-II.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01958. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 113. — 4